



O'zbekiston Respublikasi Sirdaryo viloyati hokimi

Q A R O R

13 iyun 2016 yil

204 - son

Guliston sh.

Сирдарё вилояти иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳаларини 2016/2017 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга комплекс тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида

Мазкур қарор Сирдарё вилояти ҳокимининг 2017 йил 24 июндаги 313-сонли “Сирдарё вилояти иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳаларини 2017/2018 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга комплекс тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан ўз кучини йўқотган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 10 июндаги “Республика иқтисодиёти тармоқларини 2016/2017 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга комплекс тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2545-сонли қарори ижросини таъминлаш, вилоят халқ хўжалиги, иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа муассасалари ва уй-жой фонди объектларини 2016/2017 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонунининг 6, 14-моддаси, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонунининг 6, 25-моддасига асосан, **қарор қиламан:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 10 июндаги “Республика иқтисодиёти тармоқларини 2016/2017 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга комплекс тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2545-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Вилоят иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва уй-жой фонди объектларини 2016/2017 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш бўйича белгиланган тадбирлар 1-иловага мувофиқ;

кўп қаватли уйлар, асосий муҳандислик коммуникациялари ҳамда технологик асбоб-ускуналарни, шунингдек ижтимоий соҳа объектларини ҳудудлар бўйича 2016/2017 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш ҳамда капитал ва жорий таъмирлаш топшириқлари 2, 3 ва 4- иловаларга мувофиқ;

2016/2017 йиллар куз-қиш даври учун кўмир, техник туз тайёрлаш, шунингдек суюлтирилган газни ҳудудлар бўйича етказиб бериш топшириғи 5-иловага мувофиқ;

вилоят иқтисодиёт тармоқларини 2016/2017 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни мувофиқлаштириш бўйича вилоят комиссияси таркиби 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Шаҳар ва туман ҳокимлари мутасадди ташкилот ва корхоналар, ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбарлари билан биргаликда:

бир ҳафта муддатда жойларда иқтисодиёт тармоқлари ва уй-жой фонди объектларини 2016/2017 йиллар куз-қиш даврига тайёрлаш масалаларини ҳал этиш бўйича худудий комиссиялар ташкил этилсин;

белгиланган объектларни 2015/2016 йиллар куз-қиш даврига тайёрлаш ишларида йўл қўйилган камчиликларни танқидий таҳлил қилган ва ҳисобга олган ҳолда иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ҳамда уй-жой фонди объектларидаги қозонхоналар ва муҳандислик иншоотларини 2016/2017 йиллар куз-қиш мавсумида барқарор ишлашга тайёрлаш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилсин;

2016 йил 1 октябрга қадар барча қозонхоналарни жорий ва мукамал таъмирлаш ишлари якунига етказилсин;

олий ва ўрта махсус таълим ўқув юртлари, мактаблар, мактабгача таълим муассасалари, шифохоналар ва кўп қаватли турар-жой биноларини узлуксиз иссиқлик энергияси билан таъминлаш чоралари кўрилсин;

куз-қиш даврида аҳоли хонадонлари ва ижтимоий соҳа объектларини доимий равишда иссиқлик энергияси билан таъминлаш учун ташкилот, корхона ва муассасалар тизимларидаги қозонхоналарга жорий йилнинг 1 октябрь кунига қадар етарли миқдорда қаттиқ ёки суюқ ёқилғи захиралари яратилсин;

шу йилнинг 1 сентябрга қадар вилоят ИИБ ёнғин ҳавфсизлиги бошқармаси билан биргаликда ижтимоий соҳа объектлари, кўп қаватли турар жой бинолари, шахсий уй-жойлар, мулкчилик шаклидан қатъий назар корхона, ташкилот ва муассасалар бино ва иншоотларининг техник талаб нормаларига мувофиқлиги тўлиқ хатловдан ўтказилсин.

4. Сирдарё газ таъминоти бошқармаси (А.Хожиматов), вилоят ИИБ ЁХБ (А.Мухаммадиев), “Ўздавэнергоназорат” инспекцияси вилоят бўлими (Ж.Усмонов), “Ўздавнефтвагазинспекцияси” вилоят бўлими (А.Ўролов) ва “Саноатконтехназорат” инспекцияси вилоят бўлими (Н.Абдурахмонов)лар:

жорий йилнинг 1 сентябрга қадар истеъмолчилар томонидан фойдаланилаётган иситиш қозонлари, горелкалар ва бошқа газ асбоблари белгиланган тартибда кўриқдан ўтказилишини;

давлат стандартларига тўғри келмайдиган ва ясама газ қозонлари, горелкалар ва бошқа газ асбобларидан фойдаланиш аниқланган ҳолларда уларни газ тармоқларидан узиб, қоидабузарларга нисбатан тегишли чоралар кўрилишини ташкиллаштиради;

таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари, кўп қаватли турар жой бинолари, шахсий уй-жойлар ва бошқа ижтимоий соҳа объектларидаги дудбурон, мўрикон ва шамоллатиш йўллари тозалаш ҳамда таъмирлаш ишлари қонунчиликда белгиланган тартибларда амалга оширилиши мониторинг қилиниб, амалга оширилган ишлар ҳақида ҳар ҳафтада вилоят ҳокимлигига маълумот тақдим этиб борилсин.

5. Сирдарё газ таъминоти бошқармаси (А.Хожиматов), “Сирдарё ҳудудий электртармоқлари” АЖ (Б.Саматов), “Ўздавэнергоназорат” инспекцияси вилоят бўлими (Ж.Усмонов), “Ўздавнефтгазинспекцияси» вилоят бўлими (А.Ўролов) 2016/2017 йиллар куз-қиш мавсумида шартномага асосан истеъмолчиларга табиий газ ҳамда электр энергияси узлуксиз етказиб берилиши чораларини кўриб борсинлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг табиий газ ҳамда электр энергияси тармоқларига ноқонуний ўзбошимчалик билан уланишига мутлоқ йўл қўймаслигини таъминловчи алоҳида чора-тадбирлар белгиласинлар;

ўта муҳим ва тоифаланган, шунингдек ҳарбий объектларни узлуксиз электр энергияси ва табиий газ билан таъминлаш тадбирларини ишлаб чиқсинлар ва 10 кун муддатда ушбу объектларнинг рўйхатини вилоят ҳокимлигига тасдиққа киритсинлар.

жорий йилнинг куз-қиш мавсумига электр энергия билан таъминловчи нимстанциялар ва трансформаторларни, газ қувурлари ва қурилмаларини дастур асосида мукамал ва жорий таъмирлаш ишларини 1 сентябрга қадар яқунлаш чораларини кўрсинлар.

суюлтирилган газ ёқилғисидан фойдаланувчи ҳудудлардаги аҳоли хонадонлари учун режадаги суюлтирилган газ ёқилғиси ҳамда маиший газ балонларини график асосида етказиб бериш тадбирлари белгилансин.

6. “Сирдарёкўмир етказувчи” унитар корхонаси ҳудудий дистрибьютерлик маркази (З.Абудуғаффоров) вилоят аҳолиси ҳамда ижтимоий соҳа муассасаларига режалаштирилган кўмир ва кўмир брикети маҳсулотларини график асосида етказиб берилишини таъминласин.

7. “Сирдарё ИЭС” ОАЖ (М.Шаимов) электр энергияси билан таъминловчи станциялардаги асосий асбоб ускуналар, электр тармоқларини белгиланган жадвал асосида тўлиқ мукамал ва жорий таъмирлашни ташкил этсин, жорий йилнинг куз-қиш даврида станцияларнинг бетўхтов ишлашини таъминловчи ёқилғи захирасини етарли миқдорда тайёрласин.

8. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси (Ф.Мавлянов), вилоят халқ таълими бошқармаси (Ж.Расулов), Гулистон давлат университети (Б.Закиров), вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси (Н.Эгамбердиев) тасарруфидаги барча қозонхона ва иситиш тармоқларини жорий йилнинг 1 августига қадар куз-қиш шароитида ишлашга тайёрласинлар.

Таълим ва тиббиёт муассасаларига режадаги замонавий энерготежамкор иситиш қозонларини ўрнатиш, кўмир ёқилғиси ва ўтин билан ишлайдиган печкаларни қуриш, мавжудларини таъмирлаш ишларини ташкил қилсинлар.

9. “Сирдарёавтойўл” ҲЙФТ (С.Назаров), “Ўзавтодарётранс” агентлиги вилоят бўлими (О.Эрбеков) 2016 йил октябр ойига қадар автомобиль йўллари, автобуслар тўхташ бекатлари, барча турдаги кўприклар, йўловчи ва юк ташувчи автотранспортларни куз-қиш даврида ишлашга тайёрлаш учун шаҳар ва туманлардаги корхонларни ҳозирдан бошлаб эҳтиёт қисмлар ва асбоб-ускуналар билан таъминлаш чоралари кўрилсин.

10. Вилоят молия бошқармаси (А.Каримов) бюджет маблағларидан молиялаштирилиши режалаштирилган иситиш қозонлари ва қозонхоналарини, иссиқлик тармоқларини, уй-жой фондини, ичимлик суви иншоотлари ва бошқа муҳим объектларни жорий йилнинг куз-қиш мавсумига ўз вақтида тайёрлаш, суюқ ва қаттиқ ёқилғи захираларини яратиш мақсадида ажратиладиган маблағларнинг асосий қисмини иситиш мавсумига қадар молиялаштиришни ҳал этсин.

11. Тегишли вилоят ташкилот ва корхоналари ҳамда шаҳар ва туман ҳокимликлари мазкур қарорнинг ижроси таъминланиши борасида ҳар 15 кунда вилоят ҳокимлигига маълумотлар тақдим этиб борсинлар.

2016/2017 йиллар куз-қиш мавсумига тайёргарликнинг бориши ҳар ойда вилоят ҳокимлиги ҳудудий комиссияси йиғилишларида атрофлича муҳокама этиб борилиши белгилансин.

12. Вилоят телерадиокомпанияси (З.Дархонов), “Сирдарё ҳақиқати” ва “Сырдарьинская правда” таҳририяти (Ж.Қосимов), туман ва шаҳар ҳокимликлари расмий нашрлари вилоят иқтисодиёт тармоқларини куз-қиш мавсумида барқарор ишлашига комплекс тайёргарликнинг бориши ва амалга оширилган ишларни мунтазам равишда оммавий ахборот воситаларида ёритиб борсинлар.

13. Вилоят ҳокимининг 2015 йил 10 июлдаги “Сирдарё вилояти иқтисодиёти тармоқлари, ижтимоий соҳа ва уй-жой фонди объектларини 2015/2016 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 181-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

14. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Ғ.Сулейманов ҳамда Б.Бўронов зиммаларига юклатилсин.

15. Қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вилоят ҳокими

О. Ашурматов